

**“ШЎРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ  
1–СОН БАЁННОМАСИ**

---

**Мажлис ўтказилган  
сана, вақт:**

2022-йил 14-июль  
соат 10<sup>00</sup>  
(сиртдан)

**Мажлис ўтказилган  
жой:**

Сурхондарё вилояти,  
Шўрчи тумани,  
Мустақиллик кўчаси, 76 –уй.

**Қатнашдилар:**

**Кузатув кенгаши аъзолари:**

Халбаев Тўрамурад Жайлолович,  
Бобокелдиев Бахриддин Абдираупович,  
Қиличов Ўктам Менгнарлович,  
Курбанов Шамситилло Аллаевич,  
Ҳолиқов Сайдулло Мамаюсупович,  
Қаюмов Махмуд Маннонович,  
Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич,  
Хасанова Бахрин – Жамиятнинг акциядорлар  
билан корпоратив муносабатлар бўйича  
мутахасис.

**Мажлис котиби:**

**Кворум:**

**100 фоиз**

**Таклиф этилди:**

А.Юлдошев – Жамият Бош директори ;  
Т.Хўжамшуқуров – Жамият молиявий  
масалалар бўйича директори (Бош ҳисобчи);

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши раисини сайлаш.
  2. 2022-йил 28-июндаги Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарорига асосан жамият ижроия органи раҳбари А.Юлдошев билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш.
- 

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан** - Кузатув кенгаши аъзоси Т.Халбаев сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши раислигига Кузатув кенгаши аъзоси Ҳолиқов Сайдулло Мамаюсуповичнинг номзодини кўриб чиқишни тавсия этди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 77–моддасига асосан жамият Кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги биринчи масала муҳокама қилиниб, таклиф овозга қўйилди.



**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор – 7 нафар;**

**Қарши– йўқ;**

**Бетараф– йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

**1. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши раиси этиб – Ҳолиқов Сайдулла Мамаюсупович сайлансин.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан** - жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис Б.Хасанова сўзга чиқиб, 2021-йил якуни бўйича ўтказилган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишидан сўнг навбатдаги “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши мажлисида ижроия органи раҳбари Юлдошев Акмал Эргашевич билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузилишини кўриб чиқишни таклифини айтиб ўтди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 79-моддасида жамият директори билан шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланиши кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, кузатув кенгаши аъзолари томонидан жамият номидан “Шўрчи пахта тозалаш” АЖнинг бош директори А.Юлдошев билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколоти Кузатув кенгаши аъзоси Ҳолиқов Сайдулла Мамаюсуповичга бериш таклифини киритди.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги иккинчи масала муҳокама қилиниб, таклифлар овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдор – 7;**

**Қарши– йўқ;**

**Бетараф– йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

**1. Жамият номидан Бош директор А.Юлдошев билан меҳнат шартномасини (шартнома амал қилиш муддати 2022-йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга имзолаш ваколоти Кузатув кенгаши мажлисида раислик қилувчи Ҳолиқов Сайдулла Мамаюсуповичга берилсин.**

**2. Жамият бош директори А.Юлдошевга:**

• “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ бош директори лавозимига танлов ўтказиш регламенти лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бир ой ичида Кузатув кенгашига киритиш:

• “Шўрчи пахта тозалаш” АЖнинг 2023-йил учун мўлжалланган бизнес-режаси лойиҳасини жорий йилнинг 20-ноябрдан кечиктирмай Кузатув кенгашига тақдим этиш топширилсин.

Кузатув кенгаши раиси:

 \_\_\_\_\_ Холиқов С.

Кузатув кенгаши аъзолари:

 \_\_\_\_\_ Халбаев Т.

 \_\_\_\_\_ Бобокелдиев Б.

 \_\_\_\_\_ Қиличов Ў.

 \_\_\_\_\_ Курбонов Ш.

 \_\_\_\_\_ Қаюмов М.

 \_\_\_\_\_ Абдурахмонов М.

Мажлис котиби:

 \_\_\_\_\_ Хасанова Б.

Мазкур Кузатув кенгаши баённомаси билан танишдим ва бир нусхасини олдим.

Жамият Бош директори



 \_\_\_\_\_ А.Юлдошев.

Баённома имзоланган сана: 14 июль 2022 йил.